

Кредитнинг тўлиқ қиймати

(рақам ва сўз билан ёзилади)

ШАРТНОМА

олий ўқув муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун
имтиёзли таълим кредити бериш тўғрисида
(бутун ўқиш даври учун кредит линияси очиш йўли билан)

_____ ш.

20__ йил «__»

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки номидан (бундан буён шартнома матнида «Банк» деб юритилувчи) 20__ йил “__” _____даги __ - сонли иончнома асосида фаолият юритувчи _____ филиали бошлиғи/бошқарувчиси _____ Ф.И.Ш._____ бир томондан, бундан буён матнда «Қарз олувчи» деб юритилувчи _____

_____ иккинчи томондан, бундан буён матнда «ОўЮ» деб
(талабанинг, унинг ота-онаси, васийсининг Ф.И.О.) юритилувчи _____

(Олий ўқув юртининг тўлиқ номи)

номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____
(Устав, Низом, ишончнома ва б.)

_____ учинчи томондан ва бундан буён матнда

(лавозим, Ф.И.Ш.)

«Жамғарма» деб юритилувчи аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси номидан _____ асосида фаолият юритувчи _____
(Устав, Низом, ишончнома ва б.)

_____ тўртинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар

(лавозим, Ф.И.Ш.)

ҳақида туздилар:

1. Шартнома суммаси ва шартлари

1.1. Банк Қарз олувчига қуйидаги шартларда кредит ажратиш мажбуриятини олади:

- кредит линияси очиш йўли билан бериладиган кредит суммаси _____ сўм.

(ёзма ва рақам билан)

Кредитдан фойдаланиш муддати:

- кредит талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади. Бунда, кредит учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, асосий қарзни қайтариш эса кредит олувчи томонидан олий таълим ташкилотида таълимнинг ушбу тури бўйича ўқишнинг расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб амалга оширилади;

- кредитнинг фоизи - ўзгарувчан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида. Талабанинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида кредит қарздорлигига фоизлар ҳисобланмайди.

Кредит бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси йиллик _____ фоизни ташкил қилди. Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.

- кредитнинг мақсади ва объекти: _____
(талабанинг Ф.И.Ш; ОЎЮнинг тўлиқ номи,.)

нинг

_____ (бакалавриат, магистратураси)

га қабул қилинган талабанинг ўқиши учун.

- кредит бериш муддатлари - кредит олувчининг ёзма топшириғи ва олий таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган мос давр учун тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида шартномада (контракт) белгиланган муддатларда ўтказиб берилади.

1.2. Қарз олувчи томонидан кредит ва кредитга ҳисобланган фоизлар тўлови ушбу шартноманинг иловаси ҳисобланган тўлов жадвалига (график) асосан амалга оширилади.

1.3. ОЎЮ Банкни қуйидагилар ҳақида хабардор қилиш мажбуриятини олади:

- талаба ва ОЎЮ ўртасидаги тўлов-контракт асосида таълим олиш тўғрисидаги шартнома шартларидаги ўзгаришлар.

1.4. Жамғарма кам таъминланган талабаларга берилган кредитларга ҳисобланган фоизларнинг 50 фоизини тўлаш мажбуриятини олади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1. Банкнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Ушбу шартноманинг 1.1-бандида кўрсатиб ўтилган кредит линияси очиш йўли билан бериладиган таълим кредитини _____ йилдан _____ йилгача фойдаланиш шarti билан ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда қисмларга бўлиб ажратади.

Бунда, Банкнинг ушбу шартнома бўйича кредит ажратиш мажбурияти кредит қайтарилишининг таъминланишини белгилловчи ҳужжатлар Қарз олувчи томонидан белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилиб, Банкка тақдим этилган сўнг юзага келади.

2.1.2. Кредитдан фойдаланиш, фоиз ҳисобланиши ва кредит бўйича қарзларни тўлашнинг ҳисобини юритиш учун ссуда ҳисоб рақами очиш;

2.1.3. Кредит берилган кундан эътиборан ҳар куни ссудалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан баланд бўлмаган миқдорда фоиз ҳисоблаш;

2.1.4. Очилган кредит линияси лимитининг фойдаланилмаган қисмига коммиссион тўлов ҳисобламаслик;

2.1.5. Кам таъминланган талабаларга берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар суммасининг 1/2 қисми суммасини ҳар ой белгиланган тартибда Жамғармага маълум қилиш.

2.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

2.2.1. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш жадвали (1-Илова)га асосан кредитнинг тўлиқ қайтарилишини ва фоизларнинг тўланишини таъминлаш. (Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш жадвали тарафлар томонидан имзоланади ва Банкнинг, ОЎЮ ҳамда Жамғарманинг муҳрлари билан мустаҳкамланади).

2.2.2. Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, тўловлилиқ, кредит қайтарилишининг ишончлилиги ва таъминланганлигига риоя қилиш.

2.2.3. Талаба ОЎЮ талабалари сафидан чиқарилганда уч ой ичида берилган кредит суммасини тўлиқ қайтариш ва фоизларни тўлаш.

2.2.4. ОЎЮни тугатгандан сўнг 10 кунлик муддат ичида корхонанинг тўлиқ номи ва юридик манзилини кўрсатган ҳолда ишга кирганлиги ҳақида, шунингдек 10 кунлик муддат ичида иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ёки исмининг ўзгарганлиги тўғрисида Банкка хабар бериш;

2.2.5. Халқ банкининг "Contact center" операторлари қўнғироқларига хушмуомалалиқ билан жавоб бериш ва мулоқатда бўлиш ҳамда СМС хабарларини ижобий қабул қилиш;

2.2.6. Телефон рақами ўзгарган ҳолларда, зудлик билан Банкни хабардор қилиш. Бунда, телефон рақами ўзгарган кундан бошлаб икки иш кунида Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Банкни хабардор қилиши лозим.

2.2.7. Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида

тақдим этиш.

2.3. ОўЮнинг мажбуриятлари:

2.3.1. Ҳар _____ (ойда, чоракда) _____ да бир марта Банкка талаба ОўЮда таълим олаётганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиш.

2.3.2. Талаба ОўЮ талабалари сафидан чиқарилганда, тегишли буйруқ чиқарилган кундан бошлаб

5 (беш) иш куни давомида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш.

2.3.3. Талабанинг талабалар сафидан чиқарилганлиги тўғрисида Банкни ўз вақтида хабардор қилмаган тақдирда, хабарнома берилиши кечиктирилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлаш.

2.3.4. Таълим олиш контракти шартларининг ўзгарганлиги ҳақида Банкни 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш.

3. Томонларнинг ҳуқуқлари.

3.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Қарз олувчи, Кафолат берувчи, Кафилнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш.

3.1.2. Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда, ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

3.1.3. Қўйидаги ҳолларда Қарз олувчини кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, шунингдек ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:

-асосий қарз ва фоизларни _____ кундан кўп муддат давомида тўламаслик,

- Талаба талабалар сафидан чиқарилганда, ўқув жараёнининг бориши тўғрисида нотўғри маълумот берилганда;

- Қарз олувчи томонидан Банкка кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

- ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, Қарз олувчи томонидан навбатдаги ўқув йили учун бериладиган кредит қисми учун етарли таъминот тақдим этилмаганда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда.

Бундай ҳолларда Банк олдиндан _____ кундан кўп бўлмаган муддат ичида Қарз олувчини хабардор қилади, аммо Қарз олувчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

3.1.4. Кредит таъминоти ҳолатининг мониторингини ўтказиш.

3.1.5. Қарз олувчининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш.

3.1.6. Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига тўлов жадвалига мувофиқ тўловлар яқинлашаётганлиги ҳақида 10 кун олдин СМС хабарлар юбориш;

3.1.7. Қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда, Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига СМС эслатмалар юбориш. Шунингдек, Қарз олувчи билан шахсан мулоқат олиб борган ҳолда тўловлар белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақида, ҳамда акс ҳолда Қарз олувчига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, шунингдек шу мазмунда СМС хабарлар юбориш.

3.1.8. Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорликларини мажбурий равишда ундириш мақсадида, судга даъво аризаси (суд буйруғи бериш ҳақида ариза берилганлиги)

киритилганлиги ёки нотариуснинг ижро хати асосида ундириш тўғрисида ариза берилганлиги ҳақида Қарз олувчининг мобил телефониغا СМС хабарномалар юбориш.

3.1.9. Мазкур шартнома бўйича Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорлиги юзага келган ҳолларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини (асосий кредит, фоиз, пеня) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчи ва Кафилнинг барча ҳисобварақларидан (пластик карта, омонат ва бошқалар) уларнинг топшириғисиз акцептсиз (сўзсиз) тартибда мемориал ордер орқали кўчириб (ундириб) олиш ҳуқуқларига эга.

3.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Банкни олдиндан (5 кун ичида) хабардор қилиб, кредитни олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш.

3.2.2. Берилган кредит бўйича қарзларни ҳеч қандай жарималарсиз муддатидан олдин тўлаш.

3.2.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш. Шунингдек, Халқ банкнинг "Contact centri" орқали банкдан олинган кредит юзасидан тегишли маълумотларни олиш.

4. Ҳисоб-китоблар тартиби ва тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Банк кредитни ушбу шартномада кўрсатиб ўтилган шартлар асосида кредит олувчининг ёзма топшириғи ва олий таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган мос давр учун тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида шартномада (контракт) белгиланган тўлов миқдорининг камида 25 фоизи ҳар йили 15 сентябргача ёки Давлат комиссияси томонидан белгиланган муддатгача ҳамда иккинчи ва ундан кейинги босқич талабалари учун — ҳар йили 1 октябргача, белгиланган тўлов миқдорининг камида 50 фоизи — ҳар йили 1 январгача, 75 фоизи — ҳар йили 1 апрелгача ва 100 фоизи — ҳар йили 1 июлгача бўлган муддатда ўтказиб беради.

4.2. Қарз олувчи берилган кредит учун Банкка банкнинг ҳисоб-китоби асосида ҳар келгуси йилнинг _____ санасига қадар қуйидаги миқдорда фоиз тўлайди:

- кредитдан фойдаланиш муддати давомида фоиз ҳисоблаш вақтида амалда бўлган қайта молиялаш ставкаси миқдориди. Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит),

- Қарз олувчи Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоизнинг 1,3 баравари миқдориди юқори фоиз тўлайди.

4.3. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар Банк томонидан ҳар қуни ҳисобланади.

4.4. Очилган кредит линиясининг фойдаланилмаган қисмига комиссия тўловлар ҳисобланмайди.

4.5. Фоизлар бўйича тўловлар кечиктирилган ҳолларда, Қарз олувчи Банкка ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.6. Кредит ўз вақтида ажратилмаган ҳолларда, Банк Қарз олувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган кредит суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган кредит суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.7. Жамғарма кам таъминланган оилалардан чиққан талабаларга берилган кредитлар бўйича фоизларни ўз вақтида тўламаганда, Жамғарма Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар қуни учун кечиктирилган тўловнинг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўловнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

4.8. Қабул қилинган муддатли мажбуриятнома ва ушбу шартномага асосан берилган кредитни қайтариш ва фоизларни тўлаш нақд пул ёки тўлов топшириқномаси орқали пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Аввал ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар, кейин эса кредит бўйича асосий қарз қайтарилади.

4.9. Қарз олувчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганда, Банк Қарз олувчининг барча банк пластик карталаридан ва унинг номида мавжуд бўлган омонат ҳисоб рақамларидан керакли суммани акцептсиз тартибда ундириб олади, шунингдек, қарздорликлар Нотариуснинг ижро хати асосида қопланиши мумкин. Банк

бу ҳақда Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига СМС эслатмалар юборади.

4.10. Кредит қарздорликлар қайтарилмаганлиги сабабли суд ҳужжатига ёки нотариус ижро хатига асосан мажбурий ундирув чоралари кўрилади.

5. Кредит қайтарилишининг таъминланиши

5.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит,

(гаров, кафолат кафиллик)

билан таъминланади.

6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

6.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, zilзила, портлаш, бўрон, ер қўчгиси, эпидемия, пандемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

6.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

6.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

6.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Тарафлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган келишмовчилик ва низоларни музокаралар орқали ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

7.2. Ўзаро келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишлилик бўйича суд томонидан кўриб чиқилади.

8. Шартноманинг бошқа шартлари

8.1. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритилмаган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.2. Шартнома бекор қилинган ҳолларда Қарз олувчи кредит бўйича қарзларни ва ундан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни тўлаши лозим.

8.3. Ушбу билан Қарз олувчи унинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган барча маълумотларни Банк томонидан Банклараро кредит бюросига тақдим этилишига ўз розилигини беради.

8.4. Агарда ушбу шартноманинг бирор-бир шarti амалдаги қонунчиликка мос келмай қолса, бу ҳолат шартноманинг бошқа шартларининг бажарилишига таъсир қилмайди ва қисқа муддат ичида маъно ва мақсад жиҳатидан яқин бўлган бошқа шарт билан алмаштирилади.

8.5. Томонларнинг банк реквизитлари, манзиллари, турар жойлари ўзгарган ҳолларда албатта бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

8.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

9. Ушбу шартномага иловалар

___ - сонли Илова _____ варақда.
___ - сонли Илова _____ варақда

**10. Томонларнинг юридик манзиллари
тўлов реквизитлари, имзолари**

Банк	Қарз олувчи	ОЎЮ
Манзил: _____ _____ х/р. _____ _____	Манзил: _____ _____	Манзил: _____ _____
МФО _____ СТИР _____	Паспорт _____ _____	х/р. _____ _____
“Contact center” алоқа тел.рақами: (71) 210-20-02	СТИР _____	МФО _____ СТИР _____
	Тел.рақами: _____	Тел.рақами: _____
Имзо: _____	Имзо: _____	Имзо: _____

Жамғарма

Манзил: _____ _____
х/р. _____ _____
МФО _____ СТИР _____
Тел.рақами: _____
Имзо: _____

20__ йил «__» _____ даги
___ сонли Олий ўқув муассасаларида
тўлов-контракт асосида ўқиш учун
кредит линияси очиб имтиёзли
таълим кредити бериш тўғрисидаги
шартномасига
1-илова

**Олий ўқув муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун
кредит линияси очиб имтиёзли таълим кредити бериш тўғрисида
шартномасига асосан қарзни қайтариш
жадвали (графи)**

Муддатли мажбуриятлар бўйича кредит суммаси (сўз ва рақам билан)	Асосий кредитни қайтариш санаси	Фоизларни тўлаш санаси
---------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------	-------------------------------

1.		
2.		
Банк		Қарз олувчи
_____ <i>(лавозим, ФИШ ва имзо)</i>		_____ <i>(ФИШ ва имзо)</i>
_____ <i>(бош бухгалтер Ф.И.Ш.,имзо)</i>		_____
муҳр, сана ____ __ __ й.		сана ____ __ __ й.